

ЛАТОФАТ ТОШЕВА
(АЗНАББЕГИМ)

ДИЛ ДАРЁСИ
(ШЕЪРЛАР)



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

T-71

Тошева, Латофат

Дил дарёси: Латофат Тошева (Азнаббегим) — Т.: Янги аср авлоди, 2014 й. — 100 б.

ISBN 978-9943-27-337-5

Шеър ёзиш ўзинг билмай бировга яхшилик қилишдек гап. Азнаббегимнинг қалб туйғулари билан ошно бўлар экансиз, беихтиёр шу гаплар ёдингизга келаверади.

Қўлингиздаги китобни ўқир экансиз, Латофатнинг дил дарёси мавжлари Сизнинг ҳам қалб уммонингизга меҳр булоғи бўлиб қуйилишига ишонамиз. Қиз қалбининг бедор хаёллари Сизни-да бефарқ қолдирмайди. Шеърий кайфият туҳфа этадиган ёруғ ҳислар оламига марҳабо!

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-337-5

© Латофат Тошева (Азнаббегим), «Дил яраси». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

ДАРЁДИЛ ҚИЗНИНГ «ДИЛ ДАРЁСИ»

Латофат Тошеванинг «Дил дарёси» номли илк тўплами билан танишиб чиқдим. Унинг содда фикрлари билан ёзилган машқларда Ватанга муҳаббат, устоз ва ота-онага, одамларга бўлган меҳр ўз инъи-косини топган. Мумтоз ижод намуналаридан ҳам бохабарлиги кўришиб турибди.

Латофат билан тенгдошмиз. Унинг ёзганлари содда ва раво тил билан ўқилади. Шу сабабли у ўз ўқув-чиларини топган, мухлислари талайгина.

Бу ўқувчиларнинг кўпчилиги Латофатнинг ижод намуналарини интернетнинг ижтимоий сайтлари орқали мутолаа қилади. Ҳа, яна бир гап: мухлислари Латофатни — Азнаббегим таҳаллуси билан танишади. Машқларини қизиқиш билан ўқийди. Сатрларнинг оддий, тушунарлилиги одамларни ўзига ром эта олади. Мана, улардан бир парча:

*Майли, бир кам гунёга
Қанча каму кўстинг бўлсин.
Ер бўлсанг ҳам, осмонларга
Тенг бебаҳо дўстинг бўлсин!*
(«Дўстинг бўлсин» шеърдан).

Қаламкаш ҳали ёш. Шу туфайли ёзганларида баъзи камчиликлар, ўхшатмалар, тақлидсимон сатрлар учраб туради. Аммо ишонамизки, келажакда улар янада сайқал топади. Тажрибаси ошгани сари ой-дек тўлиб бораверади. Вақти келиб катта мавзуларга дадил қўл уради. Инсон кўнгли эврилишлари, му-



ҳаббат ва меҳр ришталари ҳақида ўзининг дастлаб-ки кузатув ва хулосаларини сизу биз билан баҳам кўраётган Азнаббегим ўқиб, ўрганиб, эртага яхши ижодкор бўлиб етишишига умид қиламиз. Бу умид-ни бизга унинг машқлари беряпти.

*Зўр кўпқари, от устида чавандоз,
Азаматлар юртимизда эмас оз.
Чу тулпорим, увол қилма ризқингни,
Ҳалол луқма — улоғингни белга ос.*

*Тулпорингнинг туюғи олтин тақа,
Отчопарнинг асл иши шунақа.
Шамол каби елганида тулпоринг,
Рақибларинг ушлаб қолсинлар ёқа...*
(«Кўпқари» шеърдан).

У шеърят деб аталмиш катта йўлнинг бошида турибди. Латофат — Азнаббегим бу йўлдаги илк топганларини «Дил дарёси» деб номлаб, ўқувчиларига илинди.

Азиз ўқувчилар! Дарёдил қизнинг «Дил дарёси» ўзига ҳам, Сизга ҳам муборак бўлсин!

*Шавкат ОДИЛЖОН,
яхши шеърнинг мухлиси.*

Онамга хат

*Парчалади булутни қуёш,
Юракка нур киргандек бўлди.
Қишлоқдаги онажонгинам
Аҳволимни билгандек бўлди.*





ВАТАН МАДҲИ

Бугун қалбим тўла ҳавас,
Фахр туяр дил ҳар нафас,
Тупроғим азиз, муқаддас,
Мен шу юртнинг фарзандиман,
Шу азиз халқ дилбандиман.

Бағри кенгдир, у бепоён,
Бугун обод нурли бўстон,
Номи улуг – ЎЗБЕКИСТОН!
Мен шу юртнинг фарзандиман,
Шу азиз халқ дилбандиман.

Тўмарисдек момоларим,
Мирзо Бобур боболарим,
Темур бобом фаҳрим маним,
Мен шу юртнинг фарзандиман,
Шу азиз халқ дилбандиман.

Хумо қуши қучоғида,
Меҳр ўти ўчоғида,
Кўпкарилар ўтлоғида,
Мен шу юртнинг фарзандиман,
Шу азиз халқ дилбандиман.



ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Мард турганда майдонга ёт тушолмайди,
Осмонимни ёв булути қучолмайди,
Бошимизда қузғун қушлар учолмайди,
Мана, келди ободликнинг замонлари,
Омон бўлинг, Ватанимиз посбонлари!

Марддигингиз элга дoston, Алпомишсиз,
Гул қизларнинг ишонгани, бахти Сизсиз,
Оталарнинг, оналарнинг ғурурисиз,
Замонамнинг ёруғ юзли инсонлари,
Омон бўлинг, Ватанимиз посбонлари!

Сизлар билан яшнаб турар гулбоғимиз,
Ўзингизсиз бизнинг суянган тоғимиз,
Сизлар борки, гулга тўла қучоғимиз,
Ўзбегимнинг тоза қалб, пок виждонлари,
Омон бўлинг, Ватанимиз посбонлари!

Юртга Сиздек қалқонларнинг борлиги – бахт!
Қалбингизда чақнаб турар чақмоқдек шахт,
Қасамёдни айтиб, дилга солгансиз аҳд,
Кўксингизда фахрингизнинг нишонлари,
Омон бўлинг, Ватанимиз посбонлари!



КЎПКАРИ

Зўр кўпкари, от устида чавандоз,
Азаматлар юртимизда эмас оз.
Бойчиборим, увол қилма ризқингни,
Ҳалол луқма – улоғингни белга ос.

Тулпорингнинг туёғи тақа-тақа,
Отчопарнинг асл иши шунақа.
Шамол каби елганида тулпоринг
Рақибларинг ушлаб қолсинлар ёқа.

Эгарини занжирбанд қил белига,
Савлати нур сочиб турсин йўлига.
Самога чиқ узангидек нарвондан,
Ер титратиб, фулғула сол кўнглига.

Қўлга олиб голибликнинг қамчисин,
Мағлубликни ур, елкаси ачисин.
Маҳкам-маҳкам жиловлагин юганни,
Ҳамма кўрсин ўзбек ўғли – полвонни!



ДИЁРИМСАН

Осмонимнинг зийнати, ҳур ҳилолисан,
Таровати, камоли, гул жамолисан,
Ўргилайин, Қашқадарё, она юртим,
Дийдорингдан айланайин, диёримсан,
Қучоғимни яшнатгувчи баҳоримсан!

Кўклам келса, чирой очган яшил боғим,
Ғузур, Китоб, ўзинг тенгсиз Яккабоғим,
Бағри тошмас, хазинага тўла тоғим,
Дийдорингдан айланайин, диёримсан,
Қучоғимни яшнатгувчи баҳоримсан!

Чироқчининг чироғидан йўллар ёруғ,
Қарши тандиркабобининг номи улуғ,
Тоғларининг таърифини топар сўз йўқ,
Дийдорингдан айланайин, диёримсан,
Қучоғимни яшнатгувчи баҳоримсан!

Чиройингга боқиб, ортар ҳавасим,
Полвонлари майдон ичра енгилмасим,
Ўргилайин, Шаҳрисабз, азиз юртим,
Дийдорингдан айланайин, диёримсан,
Қучоғимни яшнатгувчи баҳоримсан!



ҚАШҚАДАРЁ

Куйла, куйла, Қашқадарё,
Кўкка бўйла, Қашқадарё,
Бобом бўлиб мозий ҳақда
Эртақ сўйла, Қашқадарё.

Темур бобом изи қолган,
Полвон ўғил-қизи қолган,
Адолатли сўзи қолган,
Меҳри дарё – Қашқадарё.

Кўк гумбазу Оқсаройга
Боқсам, боққан каби ойга,
Қарши, Ғузур бой чиройга,
Қалби дарё – Қашқадарё.

Меҳмон бўлинг Яккабоғда,
Мевалари ширин боғда,
Мираки, Хисордек тоғда,
Гўзал дунё – Қашқадарё.

Куйла, куйла, Қашқадарё,
Кўкка бўйла, Қашқадарё,
Момом бўлиб менга бир кун
Эртақ сўйла, Қашқадарё.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2205> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2205> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2205>